



Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва  
сертификатлаштириш агентлиги  
билин

Британия стандартлари институти  
ўртасида  
ўзаро ҳамкорлик

## БИТИМИ

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги) ва Бирлашган Қиролликнинг Британия стандартлари институти (БСИ), бундан кейин “Томонлар” деб аталувчилар,

1996 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга Аъзо – давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларига асосланиб,

Томонларнинг давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни қўллаб – кувватлаш ва кенгайтириш истагида,

ҳамкорликдан келиб чиқувчи ўзаро манфаатли имкониятларни инобатта олиб, мавжуд малака, имконият ва ресурслардан ўзаро ҳамкорлик орқали иккала томон фаолиятининг самарадорлиги ва кўламини ривожлантириш ва кучайтириш мақсадида,

қўйида келтирилган моддалардан иборат ўзаро ҳамкорлик Битимини тузишга келишиб олдилар.

### 1 – Модда

Томонлар, ўз фаолиятларига тегишли бир нечта соҳаларда, нафақат миллий балки халқаро миқёсдаги иш фаолияти орқали эришилган тажрибалар алмашинуви билан ўзаро тенглик ва манфаатларга асосланган, ўз давлатларининг амалдаги қонун хужжатлари ва хукуқ меъёрлари доирасида ҳамкорлик қиласидар.

### 2 – Модда

Ҳамкорлик, Томонларнинг ҳудудларида ўзаро манфаатли соҳалар борасида музокара юритиш ва аниқ чораларни белгилаш мақсадида камида йилда бир марта ўтказиладиган учрашувлар орқали амалга оширилади.

Томонлар ўзаро манфаатли соҳалар борасида музокара юритиш учун вакилларни тайинлайдилар.

### **3 – Модда**

Томонларнинг вакиллари қуийдаги соҳаларда ҳамкорликни амалга оширишлари мумкин:

1. Томонларнинг миллий стандартлаштириш стратегияси ва бу соҳадаги умумий фаолияттига асосланган ҳолда, имкониятлар ва ўзаро ҳамкорликни белгилаш;
2. Стандартлаштириш соҳасига боғлиқ ахборот ва малака билан алмашиш;
3. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, яъни ИСО доирасида имкониятлар ва ўзаро ҳамкорликни белгилаш;
4. Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотлар кўмаги остида ташкил этиладиган тадбир ва дастурлар орқали манфаатли имкониятларни мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш;
5. Иккала ташкилотда мавжуд энг яхши амалиётни аниқлаш ва уни тадбиқ этиш;
6. Тегишли ходимларни маълум бир вақтта бошқа Томоннинг ташкилотига малака ўташ учун юбориш;
7. Шунингдек, ўзаро манфаатли бошқа соҳалар.

### **4 – Модда**

Юқорида белгилаб ўтилган ҳамкорлик йўналишларида ва/ёки бошқа соҳаларда ҳар қандай дастурни жорий этишдан аввал, Томонларнинг ҳамкорликка масъул ходимлари бизнес режа ишлаб чиқадилар ва Британия стандартлари институти директори ва “Ўзстандарт” агентлиги бош директорига ўрганиб чиқиш ва тадбиқ этиш учун тақдим этадилар.

### **5 – Модда**

Томонлар, мазкур Битим доирасида қабул қилинган ҳужжатлар ва ахборотларнинг маҳфийлигини таъминлайдилар. Маълумотлар учинчи Томонга фақат маълумот берган Томоннинг ёзма розилиги билан тақдим этилиши мумкин.

### **6 – Модда**

Томонларнинг ўзаро келишувларига асосан, мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида Баённомалар билан расмийлаштириладиган қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

## **7 – Модда**

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келган ҳар қандай келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ёки бошқа ўзаро мақбул йўл билан ҳал этадилар.

## **8 – Модда**

Ҳамкорликнинг молиявий шартлари, Томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади.

## **9 – Модда**

Ушбу Битим беш (5) йил муддатта тузилади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Томонлардан бири Битимнинг амал қилишни тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда олти (6)ой олдин хабардор қилмагунига қадар, ушбу Битимнинг амал қилиш муддати ўз – ўзидан кейинги беш (5) йиллик муддатта узаяверади.

Мазкур Битимнинг амал қилишининг тўхташи ушбу Битим доирасида унинг амал қилиши тўхтатилишидан олдин жорий этилаётган дастурларнинг амал қилишига ва муддатига таъсир этмайди.


Дубай шаҳрида икки минг саккизинчи йилнинг 13 октябр кунида, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битимни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги номидан**



**А.А. Абдувалиев  
Бош Директор**

**Британия стандартлари  
институти номидан**



**Майк Лоу  
Директор**